Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 17-NOYABR, JUMA

№ 46 (1461)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Муносабат

Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига етди

Италия Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги энг муҳим ҳамкорларидан биридир. Кейинги йилларда сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик анча фаоллашди.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари, Италия парламенти билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳ раҳбари

Ўзбекистон ва Италия БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистонда Италия капитали иштирокидаги 52 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 33 таси қўшма ва 19 таси эса тўлиқ Италия сармояси асосида ташкил этилган. Икки мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларида энг қулай давлат режими амал қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 390 миллион АҚШ долларига етди.

Икки давлат тадбиркорларининг ҳудудлараро ҳамкорлиги кенгаймоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ва Италиянинг Ломбардия минтақаси ўртасида коммунал инфратузилма, кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ва Италия ўртасида таълим, туризм, маданият ва санъат, спорт ва археология соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Айни чоғда мамлакатимизда итальян тилини ўрганишга бўлган қизиқиш юқорилигидан келиб чиқиб, қатор ўқув курслар фаол ишламоқда. Шунингдек, Тошкентда Турин политехника университети ва Пиза университети филиаллари фаолият юритмоқда. Уларда 700 дан ортиқ талаба таҳсил олаётир.

Охирги йилларда икки давлат ўртасида сайёҳлар оқимини ошириш бўйича ижобий натижалар қўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун Италия Европанинг Ўзбекистонга сайёҳлари фаол ташриф буюрадиган бешта давлатидан биридир. Ўзбек ва италия халқлари бир-бирининг бой ва бетакрор маданий-тарихий мероси билан танишиши учун мамлакатларимизда Ўзбекистон ва Италия маданият, кино ва туризм кунлари ўтказилиши яхши анъанага айланмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 8-9 июнь кунлари Италияга ташрифи икки томонлама муносабатларнинг янги даврини бошлаб берди. Зеро, ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликка интилиш ҳар икки давлатда ҳам жуда кучли эканини яққол намоён этди. Жуда самарали ўтган мазкур тарихий ташриф давомида қатор келишувларга, аниқ дастур ва лойиҳаларга асос солинди.

Хусусан, Ўзбекистон саноати учун Италиядан ускуналар ва илғор технологияларни етказиб беришни кенгайтириш, энергетика, транспорт, туризм инфратузилмаси, тиббиёт, фармацевтика, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, металлургия, қурилиш материаллари, электротехника, ишлаб чиқариш бўйича фойдали келишувларга эришилди.

Шунингдек, мебель, чарм, тўқимачилик, ипак маҳсулотлари, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, мева ва сабзавот, чорвачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича катта қадамлар ташланди.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирганда, парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этиш керак. Чунки 2011 йилдан буён Италия парламенти Депутатлар палатаси билан ҳамкорлик қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламентлараро гуруҳ фаолият юритмоқда.

2

Қандли диабетга қарши кураш ҳафталиги

Мен қанд миқдорини текширтирдим. СИЗ-ЧИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига қараганда, қандли диабет касаллигидан дунё бўйича 500 миллионга яқин инсон азият чекар экан.

ЖССТ ва Халқаро диабетга қарши кураш федерацияси томонидан 14 ноябрь — Халқаро диабетга қарши кураш куни (World Diabetes Day), деб белгиланган.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастурий мақсадларида ҳам аҳолининг саломатлигини асраш, мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага етказиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ғоясини амалга ошириш каби устувор мақсадларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунга мувофиқ, айни кунларда мамлакатимизда “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) ҳамкорлигида “Қандли диабетга қарши кураш ҳафталиги” доирасида қўшма тадбир ўтказилди.

2

Яшил макон

“Адолат” боғи яратилмоқда

Айни кунларда Президентимиз ташаббуси билан жойларда кўчат экиш, яшил майдонларни кўпайтириш ҳаракати қизғин бормоқда. Бу борада олтинкўллик “адолатчилар” фаоллик кўрсатиб, “Адолат” номи билан боғ ташкил этишга қарор қилди.

Тумандаги Чўнтак маҳалласида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари бошчилигида кузги кўчат экишга киришилди.

– *Партиядошларимиз ҳар соҳада фаол, ташаббускор,* – дейди “Адолат” СДП Олтинкўл туман кенгаши раиси Давлатхон Асланова. – *Бугунги тадбирга асосан уй бекалари таклиф этилди. Мақсад уларни республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиш баробарида кўчат экиш ишларида иштирокини таъминлаш бўлди. Биз яратган “Адолат” боғи она табиатни бойитиш баробарида келажак авлодга туҳфамиз бўлади.*

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати

Конференция

Шарқшунослик институти — 80 ёшда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил этилганининг 80 йиллик юбилейига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни очган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори, профессор Баҳром Абдуҳалимов томонидан ЎзРФА президенти, академик Бекзод Юлдашевнинг табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикда институтнинг салоҳияти ва эришаётган ютуқлари ҳақида сўз борар экан, ушбу муассаса қадимий ёзма манбаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича етакчи илмий муассаса ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

2

Бугунги сонда:

Табиий доривор ўсимликлар етиштириш ҳаётий зарурат 4
Бахтнинг турфа ранглари... 5
Йўл ҳангомалари 6
Тирбандликларга барҳам бериш вақти келди 6

Мен қанд миқдорини текширтирдим. СИЗ-ЧИ?

Дастлаб, **партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати** ташаббуси билан пойтахтимизда жойлашган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказидан бошланган ҳафталикда соҳа вакиллари, партия Марказий аппарати ходимлари, фаоллар, депутатлар ва аҳоли вакиллари иштирокида ҳафталикнинг очилиш маросими ҳамда қондаги қанд миқдорини аниқлаш бўйича тиббий кўрик ташкил этилди. Шундан сўнг ҳафталик доирасидаги тадбирлар партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб кенг кўламда давом эттирилди.

Жумладан, **партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши** ҳамда Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИЭИАТМ) Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳар жиҳатдан самарали кечди. Унда пойтахтимизнинг “Учувчилар” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар ихтиёрий равишда тиббий кўрикдан ўтишга таклиф қилинди. Соҳа мутахассислари иштирокидаги текширувлар натижасида 4 нафар 60 ёшдан ошган кекса онахонларимизда қандли диабет мавжудлиги аниқланди ва уларга даволанишлари учун зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, **партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши** жамоаси Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида даволанаётган болалар ҳолидан хабар олиш асосида давра суҳбати ташкил этилди. Унда иштирокчиларга ушбу касалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш чоралари юзасидан соҳа мутахассисларининг маслаҳатлари берилди.

– Ўғлимни ҳар йили даволатиб келаман, – дейди тадбирда иштирок этган ота-оналардан бири. – *Инсон ўз соғлиғига эътиборли бўлиб, шифокорларга тез-тез мурожаат қилиб, вақтида даволаниб турса, ҳар қандай касалликдан бутунлай соғайиш имконияти бор. Бугун болажонларни йўқлаб келган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши жамоасига миннатдорчилик билдираман.*

Тадбир давомида болажонларга шодлик улашиш мақсадида ўйинчоқлар совға қилинди.

Партиянинг Андижон вилояти Кенгаши ва Андижон вилоят эндокринология диспансери ҳамкорлигида Андижон шаҳрида ўтказилган тадбирда “Баркамол авлод” МФЙда яшовчи фуқаролар билан суҳбат касалликнинг олдини олиш ва соғлом ҳаёт кечиришга бағишланди. Унда сўз олган диспансер бош шифокори вазифасини бажарувчи Иқболжон Иброҳимов қандли диабет касаллиги ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди. Мутахассис таъкидлаганидек, касалликнинг 2-тури кўпроқ тарқалган. Хавфлиси 1-тури ҳисобланади. Сабаби, у кўпроқ болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Агар ўз вақтида даволаш чоралари кўрилиб, назоратга олинмаса, бемор кома ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Айни шу мақсадда йиғилганларга соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш ва касалликдан сақланиш бўйича маслаҳат берилди.

МФЙ гузарида ташкил этилган тиббий кўрик доирасида қандли диабетда овқатланиш тартиби хусусида мутахассислар маслаҳат берди. Диабетнинг олдини олиш мақсадида қондаги қанд миқдорини аниқлаш текширувлари иштирокчиларни ўз саломатликларига бўлган ишончини оширди, касаллик белгилари аниқланганлар даволанишга йўналтирилди.

– Қандли диабет касаллигининг даво чоралари кўп, – дейди Андижон вилоят эндокринология диспансери бош шифокори вазифасини бажарувчи Иқболжон Иброҳимов. – *Бемор доимий равишда парҳезда бўлиши, қанд миқдорини пасайтирувчи воситаларни истеъмол қилиб бориши, жисмоний фаолликни ошириши зарур. Диабетга чалинган кишиларда ёшидан қатъи назар, у ёки бу даражада жисмоний юклама бўлиши лозим.*

Сир эмас, бугун мазкур касаллик болаларда ҳам учраяпти. Бу, албатта, ташвишли. Болажонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш долзарб вазифа. Айни шу мақсадда байрамона безатилган дастурхон атрофида жам бўлган болажонлар кўнглига қувонч олиб кирилди. Байрам муносабати билан “Адолат” СДП ва ҳомий ташкилотлар томонидан уларга совғалар улашилди.

Партиянинг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларда партия вакиллари ва тиббиёт ходимлари вилоят эндокринология диспансерига ташриф буюрган фуқаролар билан соғлом турмуш тарзи борасида суҳбатлашар экан, партиянинг аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган лойиҳалари юзасидан тушунчалар бериб ўтишди. Ўзаро очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир жараёнларида фаоллик кўрсатган иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Партиянинг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан вилоятда ташкил этилган тадбирларда мазкур ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад — партия фаоллари, депутатлар ҳамда соҳа вакиллари иштирокида қандли диабет касаллигининг олдини олиш юзасидан давра суҳбатлари ўтказиш, қолаверса, беморлар ҳолидан хабар олиш эканлиги айтиб ўтилди ва кўнгилли фуқаролар иштирокида қондаги қанд миқдорини аниқлаш бўйича тиббий кўрик ташкил этилди.

Партиянинг Жиззах вилояти кенгаши томонидан ҳам “14 ноябрь — Халқаро диабетга қарши кураш куни” муносабати билан вилоят Эндокринология маркази билан ҳамкорликда тиббий кўрик ўтказилди. Қандли диабетга мойиллиги бор аҳоли қатламини аниқлаш, беморларга даво-ташхис ёрдамини кўрсатиш мақсадида ўтказилган мазкур кўрикда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази эндокринологи, тиббиёт фанлари профессори Барно Шагазатова, вилоят Эндокринология маркази бош шифокори Озодбек Мавлонов, Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиали ўқитувчилари, ўсмирлар, шунингдек, аҳолининг катта ёшдаги қатлами вакиллари иштирок этишди.

Соҳа мутахассислари томонидан тадбир иштирокчиларига юрак қон-томир касалликлари, қандли диабет каби юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёда ногиронлик даражасининг ортишига ва бевақт ўлимлар сони кўпайишига сабаб бўлаётгани, бу касалликларнинг келиб чиқишига тамаки ва алкоголь маҳсулотларини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, жисмоний фаолликнинг сустлашиши, ортиқча тана вазни, мева ва сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик каби омиллар сабаб бўлаётгани, қандли диабет ва унинг асоратлари, даволаш усуллари ҳақида тушунчалар берилди.

Юқорида қайд этилганидек, мазкур ҳафталик доирасидаги тадбирлар айни кунларда ***партиянинг Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона, Навоий, Наманган, Хоразм ҳамда Тошкент вилояти кенгашлари*** томонидан ҳам ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу ҳафталик мамлакатимизда қандли диабет билан касалланган беморларга амалий ёрдам бериш, аҳолига касаллик келиб чиқиши сабаблари ва омиллари ҳақида маълумотларни етказиш, касалликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш ва аҳолининг турмуш ҳамда овқатланиш тарзини ўзгартириш орқали беморлар сонини қисқартириш чораларини кўришга қаратилган.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Шарқшунослик институти — 80 ёшда

Неъматулла ЖАББОРОВ,
ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий котиби

Тадбирда Фанлар академияси тизимидаги институт ва музейлар, бир нечта ОТМлар, бошқа бир қатор маҳаллий ва хорижий ҳамкор ташкилот вакиллари ҳамда раҳбарлари иштирок этди. ИРСИКА ташкилоти, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази, Ҳиндистон маданият маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Темурийлар музейи, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати вакиллари шулар жумласидандир.

Шундан сўнг, ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, т.ф.д., профессор Сурайё Каримова “Институт тарихидан ёрқин лавҳалар” мазуида нутқ сўзлади.

Дарҳақиқат, институти дастлаб 1943 йил Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси*(ҳозирги Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси)*нинг Шарқ бўлими негизида ташкил топган ва 1950 йилгача Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти, 1950-1957 йилларда институтда олиб борилаётган илмий соҳалар қамровини ҳисобга олиниб, Шарқшунослик институти деб аталган. 1967 йилдан эса ташкилотга Абу Райҳон Беруний номи берилган ва ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти сифатида фаолият юритиб келмоқда. Дастлаб институтда Шарқ қўлёзмаларини ўрганишга мўлжалланган ягона бўлим мавжуд бўлиб, кейинчалик қўлёзмаларни таснифлаш, илмий ўрганиш ва тавсифлаш, тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш, шунингдек, Шарқ халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганишга ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир жараёнида ЎзРФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т.ф.д. Маҳмуд Ҳасанийнинг табрик шеъри иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданияти маркази директори Самир Аббасовнинг видео табриги намойиш этилди. Унда Марказнинг Шарқшунослик институти билан узоқ йиллик ҳамкорлиги тўғрисида фикр юритилиб, нуфузли институт билан ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Қолаверса, жараёнда иштирок этган бошқа соҳа вакиллари ҳам институтни 80 йиллик юбилейи билан қутлаб, табрик сўзларини айтишди.

Айтиш жоизки, Институтнинг илмий фаолияти асосан бу ердаги қўлёзмалар фонди билан боғлиқ. Бу қўлёзмалар мажмуаси илмий жиҳатдан дунёдаги энг йирик ва машҳур хазиналаридан бири ҳисобланади. Бу хазинада сақланаётган асарларнинг ичида энг қадимийси IX асрга оид (Қуръони каримнинг куфий хатида китобат қилинган нусхаси), энг янгилари эса XX асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Қўлёзмалар мажмуасидаги асарлар ўзбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбайжон, турк, татар, туркман, уйғур ва бошқа шарқ халқлари тилларида ёзилган. Мазкур асарлар ўрта аср ва ундан кейинги даврлар фанининг турли тармоқларига, яъни тарих, адабиёт, фалсафа, ислом илмлари, фалакиёт, кимё, табобат, жуғрофия, доришунослик, тил, мусиқа, математика, маъданшунослик ва бошқа соҳаларга оид.

Ҳозирги вақтда қўлёзмалар хазинасида 26 000 жилддан ортиқ қўлёзма сақланмоқда. Уларнинг кўпчилигида бир қанча асарлар жамланган. Тошбосма асарларнинг умумий сони 40 000 га яқин. Улар Ўрта Осиё, шунингдек, Шарқ мамлакатлари – араб давлатлари, Афғонистон, Покистон, Туркия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон тарихи, адабиёти, маданиятини ўрганишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, институтнинг қўлёзмалар хазинасида 5 мингдан ортиқ тарихий ҳужжатлар ҳам сақланади. Бухоро, Хива, Қўқон хонликларига оид архив ҳужжатлари уларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу ҳужжатларни ўрганиш ва нашр этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

1952 йилдан бошлаб институт хазинасида сақланаётган қўлёзмалар фиҳристини нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб “Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари тўплами” номли фиҳристнинг 11 жилди ва тарих, табобат, табиий фанлар, тасаввуф, фалсафа, филологияга оид ҳамда “Шарқ миниатюралари” каталоглари ҳам нашр этилди. Қўлёзмаларни каталоглаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, ўтган давр мобайнида институтда IX–XII ва XV–XVI асрларда юз берган Марказий Осиёдаги икки маданий юксалиш даврида ижод қилган олим ва мутафаккирлар, шунингдек, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари даври ижодкорларининг араб, форс ва туркий тиллардаги асарлари таржимаси ва тадқиқи асосида юзлаб китоблар нашр қилинди.

2000 йилда институтнинг қўлёзмалар хазинаси дунёдаги энг бой қўлёзмалар мажмуаси сифатида ЮНЕСКО Маданий мерос рўйхатига киритилган. 2023 йилда шу фонддаги Жалолиддин Румий асарларининг қўлёзмалари ҳам алоҳида мазкур рўйхатга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги 2017 йил 24 майдаги қарорига асосан институт мамлакатимиздаги қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган замонавий ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди. Ҳозирда институтда қўлёзмалар фондини сақлаш ва бойитиш, ундаги турли мавзуларга оид манбаларни каталоглаштириш ҳамда таржима ва тадқиқ этиш, Марказий Осиёнинг қадим ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганиш, исломшунослик ва ҳужжатшунослик тадқиқотларини ривожлантириш, хорижий Шарқ мамлакатлари билан боғлиқ замонавий масалалар тадқиқини кенгайтириш ҳамда тегишли ОТМлар билан интеграцияни кучайтириш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига етди

Ўз навбатида, Италия парламентида ҳам Италия — Марказий Осиё дўстлик гуруҳи тузилган. Шунингдек, вазирлик ва идоралар даражасидаги алмашувлар ҳам янги суръат касб этаётир. Ҳамкорлик режалари ва йўл харитолари асосида идороларо ўзаро муносабатлар фаол амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатларимиз ўртасидаги идороларо ва ҳудудлараро ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон ва Италиянинг муносабатларни чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлиги савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги динамикасини белгилаб беради.

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг 9-11 ноябрь кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларда янги даврни бошлаб берди. “Кўксарой” қароргоҳида бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида стратегик шерикликни ва устувор йўналишлардаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш муҳимлиги қайд этилар экан, шу муносабат билан Ўзбекистон ва Италия ҳудудлари форумини таъсис этиш ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказиш таклиф қилинди.

Италия Президентининг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг прагматик сиёсати туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон – Италия муносабатлари янги суръат билан равнақ топмоқда. Сержо Маттарелла янги Ўзбекистонда кечаётган ортга қайтмас ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлаш билан бирга, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва интеграциялашувни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Италия учун Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги кўприк ҳисобланиб, шериклик нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятга ва катта салоҳиятга эга давлат. Шу сабабли Италия мамлакатимизнинг замонавий ривожланишида иштирок этишни истайди ва кўп томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга тайёр. Ўз навбатида, мамлакатимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизнинг турли жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар тобора чуқурлашаётган ҳозирги муҳим паллада Италиядек қудратли давлат билан муносабатларни янада ривожлантириш Ўзбекистон халқининг миллий манфаатларига ҳам мос тушади.

Ҳамкорлик Меморандуми имзоланди

Пойтахтимизда жойлашган “City Palace Hotel“ меҳмонхонасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Академик Й.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов ҳамда РИЭИАТМ директори Феруз Тўраевлар иштирок этган ушбу тадбирда ўзаро ҳамкорлик ҳақида келишиб олинди.

Тадбирда ушбу ҳамкорлик тиббиёт соҳасига оид қонун ҳужжатларини замон талабига мувофиқ такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришда, оналар ва болалар соғлиғини ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан фаолият юритишда, ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳамкорлик доирасида аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган тиббий муолажалар, замонавий тиббий хизматларни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаси, жумладан, замон талабларидан келиб чиқиб, фуқароларимизнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг репродуктив саломатлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни аҳоли орасида муҳокама қилиш ҳамда қабул қилинишига эришишга доир мақсадлар ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, партиянинг дастурий мақсадларидан ўрин олган соғлиқни сақлаш соҳасида давлат секторини мустаҳкамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситалари ноқонуний сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга қаратилган вазифалар ҳам Меморандум бандларида ўз аксини топган.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда иштирокчилар томонидан ҳамкорликнинг янги йўналишлари бўйича билдирилган бир қатор таклифлар ҳам маъқулланди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар беришди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилган ҳужжат – "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш орқали аҳолининг тинч ва осуда ҳаёти учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда фуқаролар ва хорижий сайёҳлар томонидан учувчисиз учадиган аппаратлар олиб келинганда уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши ва процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши интернет тармоғида жамоатчилик томонидан кескин муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлиб, мамлакатимизнинг имиджига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан ва "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид" Давлат дастурининг 27-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш ҳаракатларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 185⁴ -моддаси билан тўлдирилмоқда. Бунда учувчисиз учадиган аппаратларни давлат эгалигига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 244⁴ -моддасида белгиланган санкцияларга муқобил жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш каби жазо турлари киритиляпти.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар берди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича кўплаб саволларни ўртага ташлашди. Қонун ташаббускорлари берилган ҳар бир савол юзасидан асослантирилган тушунтиришлар беришди.

Қонун лойиҳаси ташаббускорларининг айтишича, лойиҳанинг қабул қилиниши учувчисиз учадиган аппаратларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва ундан фойдаланишнинг ўрнатилган тартиб қоидаларини ўзгартирмаган ҳолда, бугунги кунда жамоатчиликда юзага келаётган эътирозли кайфиятни юмшатиш имкониятини яратади.

Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва узоқ давом этган тортишувлардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Кўрик-танлов

Бир нуроний — ўн ёшга масъул

Маълумки, жорий йилнинг 11 мартида Президентимизнинг "Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори қабул қилинди.

Жонибек ЖУМАЕВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати

Мазкур қарор кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини юқори даражага кўтариш ва ижтимоий фаолликларини янада оширишга қаратилган.

"Бир нуроний – ўн ёшга масъул" томойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга, замонавий фикрлайдиган, фаол нуронийларга бириктирилган. Бундан ташқари, муаммоли оилаларнинг ҳар бирига "Кексалар маслаҳати" гуруҳининг бир нафардан аъзолари жалб этилган.

Бухоро шаҳридаги муҳташам "Саҳид Зарафшон" меҳмонхонасида "Бир нуроний – ўн ёшга масъул" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларга маънавий озуқа бериб келаётган зиёлилар ва нуронийлар ўз фаолиятининг намунавий даражага кўтарилганини намоён этишди. Ёшлар тарбиясида кекса авлод вакилларининг ўрни нечоғли аҳамиятга эга эканини ҳаётий воқеалар билан кўрсатиб беришди.

Саҳнага чиққан кекса авлод вакилларининг шижоатларини кўриб, тўғриси, ўзимга куч олгандек бўлдим. Уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, дуоларини олиш, қадриятлар ва анъаналаримизни англашдек фазилатларни ёш авлод онгу шуурига сингдириш муҳимлигига яна бир бор амин бўлдим.

– Бухорода бўлиб ўтган "Бир нуроний – ўн ёшга масъул" кўрик-танловининг республика босқичида жойларда нуронийларимизнинг ёшлар билан қай даражада аҳиллиқда ишлашаётганининг гувоҳи бўлдик, – деди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Самойиддин Ҳусенов.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Фахрийлар кенгаши масъуллигида тузилган кўрик-танловда ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан иштирокчи нуронийларнинг чиқишлари баҳоланиб борилди. Натижаларга кўра, кўрик-танловнинг Республика босқичида Бухоро вилояти биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи ва наманганлик нуронийлар учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Қутлаймиз

Шифокор сафдошларимиз тақдирланди

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатлари эътирофга сазовор.

Ана шундай фидойи инсонларнинг жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссалари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида Фарғона шаҳридаги "ASAF Medical" МЧЖ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Лейбница номидаги Европа Академияси академиги Абдулазиз Раимжонов ҳам бор. Фидойи партиядошимиз **"Дўстлик"** ордени билан тақдирланди.

Юксак мукофот муборак бўлсин!

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Андижонлик "адолатчилар" орасида тиббиёт ходимлари кўпчиликни ташкил этади.

Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгаши депутати **Муҳаммаджон Жумабоев** ҳам ана шундай "адолатчи" шифокорлардан бири. У партия лойиҳалари асосида жамоатчилик билан ишлашда янги ташаббуслар билан чиқади. "Янги замон" оилавий шифокорлик пункти мудири сифатида кекса ёшдаги ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Яқинда М.Жумабоевнинг меҳнатлари муносиб баҳоланди. Шифокор сафдошимиз "Тиббиёт ходимлари куни" муносабати билан "**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси**" кўкрак нишони билан тақдирланди. Партиядошимизнинг ютуғи бутун андижонлик "адолатчилар"га берилган мукофотдир.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2022 йилги Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларининг ижроси ва 2023 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Партиянинг 2022 йил бошига маблағлар қолдиғи 517 306 минг сўм бўлиб, 2022 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 16 млрд. 225 млн. 080 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан, 14 млрд. 575 млн. 565 минг сўми партия Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари, 16 млн. 900 минг сўми халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўшаб қолган ўринларга қайта сайловларда иштирок этиш учун ажратилган маблағлар, партия аъзолик бадалларидан 1 млрд. 251 млн. 889 минг сўм, ҳомийлик, хайрия тушумларидан 352 млн. 400 минг сўм, бошқа тушумлардан 27 млн. 546 минг сўм ҳамда пенсия ҳисоб рақамига 780 минг сўм ҳисобланади.

2022 йилда жами 16 млрд. 228 млн. 418 минг сўм маблағ харажат қилинди. Шундан 2022 йилда қуйидаги йўналишлар бўйича маблағлар сарфланди:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажратмалари – 14 001 843 минг сўм;
- хизмат сафари харажатлари – 72 965 минг сўм;
- дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар – 844 810 минг сўм;
- асосий воситалар бўйича харажатлар (партияга оид) – 39 207 минг сўм;
- товар-моддий захираларига харажатлар (партияга оид) – 80 454 минг сўм;
- коммунал хизматларига харажатлар – 165 424 минг сўм;
- телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари – 131 201 минг сўм;
- ёнилғи ва ЁММ харажатлар – 136 790 минг сўм;
- ижара харажатлари – 452 936 минг сўм;
- сақлаб туриш ва жорий таъмирлашга харажатлар (компьютер, мебель, автоулов ва бошқа техника таъмири) – 149 558 минг сўм;
- сайловларда иштирок этиш учун – 16 900 минг сўм;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир харажатлар – 0 сўм;
- бошқа харажатлар (обуна, техосмотр, суғурта, банк хизматлари ва бошқа харажатлар) – 135 525 минг сўм;
- бошқа ҳисоб варақларидаги пул маблағлари (пенсия факат) – 780 минг сўм ҳамда давлат бюджетига қайтарилган маблағ 25 минг сўмни ташкил қилди.

2023 йил 1 январь ҳолатига 513 968 минг сўм маблағ қолдиқ қолган.

Партиянинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари 2022 йилда 1 млрд. 631 млн. 835 минг сўмни ташкил этган бўлиб, улардан 1 млрд 251 млн. 889 минг сўми аъзолик бадалларидан шаклланган.

2022 йил давомида партиянинг бюджет ҳисоб рақамига партия устав фаолиятидаги вазифаларни молиялаштириш учун жами 14 млрд. 575 млн. 565 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан 14 млрд. 315 млн 664 минг сўм маблағдан тасдиқланган сметага асосан мақсадли фойдаланилди ва йил якуни бўйича 259 млн. 901 минг сўм бюджет маблағлари иқтисоди юзага келди.

Партиянинг 2023 йилдаги бюджети жами йил бошидаги қолдиқ маблағ билан биргаликда 18 млрд. 865 минг сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан 16 млрд. 156 млн. 896 минг сўм давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, 254 млн. 067 минг сўм бюджетдан ташқари ҳисоб рақамдаги қолдиқ маблағлар, 1 млрд. 300 млн. сўм аъзолик бадаллари тушумлари, 259 млн. 902 минг сўм 2023 йил 1 январь ҳолатига бюджет ҳисоб рақамдаги қолдиқ маблағлар ва 30 млн. сўм бошқа тушумлардир.

2023 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлар сметасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фонди билан боғлиқ харажатларга 12 фоиз ягона ижтимоий тўлов солиғи билан бирга 95 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш, ижара ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга

4 фоиз, бошқа харажатларга (дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар, банк харажатлари ва бошқалар) 1 фоиз назарда тутилган.

2023 йилда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлар сметасининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, бу миқдор барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи, мукофот, хизмат сафари, моддий ёрдам, пенсия фонди билан боғлиқ харажатларга 12%, ягона ижтимоий тўлов солиғи билан бирга 40 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш, ижара ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 15 фоиз, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан, партия фаолларини ўқитиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 22 фоиз, асосий воситалар, жумладан, автотранспорт воситалари, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 16 фоиз, партия устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 7 фоизни ташкил этади.

Жамоатчилик назорати

ТАБИИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Бугун бутун дунёда касалликларни табиий дори воситалари билан даволаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимизда ҳам доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Рустам ҲАЙИТОВ,
“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши раиси,
Ишчи гуруҳ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 апрелдаги *«Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги, 2022 йил 20 майдаги *«Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги қарорлари соҳалардаги муҳим ислоҳотлар йўналишини белгилаб берди.

Юқоридаги қарор ва фармонларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ва бошқа долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик назорати ўтказиш бўйича Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг 2023 йил 16 октябрдаги мажлисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг Навоий вилоят кенгаши, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Давлат-ўрмон хўжалиги масъул ходимларидан иборат Ишчи гуруҳлар тузилиб, доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганишларда маълум бўлдики, 2023 йилда вилоятдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларида жами 64 гектар ерга қизилмия, каврак, наъматак, заъфарон, лаванда ва оддий қоразира доривор ўсимликлар экилган бўлиб, шундан Нурота тумани ҳиссасига 52 гектар, Қизилтепа тумани ҳиссасига эса 12 гектари тўғри келади.

Бундан ташқари, вилоятда доривор ўсимликлар етиштирувчи кластер, фермер хўжалиги ва масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва қадоқлаш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Қизилтепа туманида туман ҳокимининг 2022 йил 20 августдаги “Туманда доривор ўсимликлар кластерини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Жаббор хусусий дорихонаси” МЧЖ доривор ўсимликлар кластери ташкил этилган.

Айни пайтда кластер томонидан 2,3 гектар ер майдонига доривор ўсимликлар экилган бўлиб, жумладан, наъматак – 2 тонна, мойчечак – 300 кг., тирноқгул – 200 кг., сано уруғ ва барглари – 500 кг., мята – 100 кг., гулхайри – 100 кг., полпола – 100 кг. доривор ўсимликлар етиштирилган. Кластер томонидан жорий йил октябрь-ноябрь ойларида тирноқгул – 50 сотих, ромашка – 50 сотих ҳамда сано уруғлари 50 сотих ер майдонига экилган.

Нурота туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Республикада каврак етиштиришни ривожлантириш ва саноатлаштиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 16 февралдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси ҳамда “Ferula export cluster” МЧЖ ўртасида яйлов ерларини ижарага бериш тўғрисида 2022 йил 12 декабрь куни инвестиция киритиш ва иш ўринларини яратиш шарти билан Қўмитанинг доимий фойдаланишдаги яйлов ерларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича шартнома имзоланган.

Мазкур шартномага асосан Қўмита томонидан Нурота туманидаги 63 744 гектар захирадаги яйлов ерлар 30 йилга кластерга ижарага берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 ноябрдаги топшириғи асосида 2023-2027 йилларда 5 минг гектар яйлов ер майдонида маданий каврак плантациясини барпо этиш белгиланган бўлиб, мазкур плантациялар “Ferula export cluster” МЧЖ томонидан барпо этилиши назарда тутилган.

2023 йил ноябрь-декабрь ойларида Нурота туманидаги “Истиқлол” ва “Ўзбекистон” МФЙ ҳудудларида 1 000 гектар плантация ташкил этиш учун ер майдонлари белгиланиб, каврак ўсимлиги уруғи захираси ташкил этилмоқда.

Плантацияларда етиштириладиган ўсимликлардан маҳсулот олиш даврида 20 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланган. *“Nurota qizilcha chorva klaster” ва “Nurota qorako’lchilik klasteri”* МЧЖларига чорвачилик кластерга аъзо бўлган ходимларига қўшимча даромад олиш шароитини яратиш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида ходимларнинг ҳар бирига шартнома асосида 10 гектардан плантация ташкил этиш мақсадида ер майдонларини ажратиш таклифи берилган.

2023 йилда туман ҳокимлигининг янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича дастурида кластер зиммасига 120 та иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра 300 га яқин иш ўрни яратилиб, фуқаролар ишга қабул қилинган. Бундан ташқари, май-июнь ойларида ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигига белги қўйиш ишларига 300 нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар жалб этилган.

Нурота туманида ёввойи ва маданий ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигидан олинадиган ширани қайта ишлаш мақсадида кластер томонидан 2023-2024 йилларда қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиши режалаштирилган.

Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш мақсадида, ташкил этилган плантация ва қайта ишлаш корхонасига касб маҳоратига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, яйловлардан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, каврак ўсимлигини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича тайёрлов курсларини ташкил этиш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда 360 соатлик ўқув-дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун киритилган.

Бугунги кунда вилоятда 4 та масъулияти чекланган жамият ҳамда 1 та фермер хўжалиги томонидан доривор ўсимликлар етиштирилиб, қайта ишланиб, қадоқланиб, сотувга чиқарилмоқда.

Нурота туманида “Заринабону Элзодбек Солиҳа келажаги” МЧЖ, “Шукрона тотли мевалари” МЧЖ, “Каврак 2022” МЧЖ, Хатирчи туманида “Зарафшон дарё обод гиёҳлари” МЧЖ ҳамда Навбаҳор туманида “Наъматак шифобахш ўсимлик” фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Хатирчи туманидаги “Зарафшон дарё обод гиёҳлари” МЧЖга қарашли плантацияда седана уруғи, наъматак мевалари, маккажўхори попуги, аччиқ бодом, топинамбур, Навбаҳор туманидаги “Наъматак шифобахш ўсимлик” фермер хўжалигида наъматак мевалари ва ошқовоқ уруғи доривор ўсимликлари етиштирилмоқда.

Навоий вилоятининг ўрмон хўжалиги ерларида доривор ўсимликларни етиштириш фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлат марказий ўрмон хўжалигининг 2023 йилга мўлжалланган дастурига асосан исириқ – 50 гектар, наъматак – 0,16 сотих, япон сафораси – 0,34 сотих, топинамбур 0,06 сотих ер майдонига экилган.

Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Давлат ўрмон фонди ер участкаларини ижарага бериш қарори бўйича тадбиркор Хайрулло Хасипов томонидан Нурота давлат ўрмон хўжалигининг “Чуя” участкасидаги 50 гектар ер майдонига “Кўҳистон кавраги” экилган. Аслиддин Сафаров томонидан шартнома асосида Нурота давлат ўрмон хўжалигининг “Деҳибаланд” МФЙ участкасида 250 гектар ер майдонига “Тожик кавраги” уруғи экилган. Тадбиркор Аҳрор Субҳонов шартнома асосида Нурота давлат ўрмон хўжалигининг “Сентоб” МФЙ участкасида 30 гектар ер майдонига “Кўҳистон кавраги” эккан.

Ўрганиш давомида соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар борлиги ҳам маълум бўлди.

Жумладан, Нурота туманидаги “Ferula export cluster” МЧЖ томонидан барпо этилаётган каврак плантацияларида чорва моллари боқилиши натижасида доривор гиёҳлар пайҳон қилинмоқда. Мазкур ҳолат бўйича кластер маъмурияти томонидан туман ИИБ масъул ходимларига бир неча маротаба мурожаат қилинишига қарамасдан, шу кунгача чўпонлар хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Қизилтепа туманидаги “Жаббор хусусий дорихонаси” МЧЖ кластери томонидан ишлаб чиқарилган доривор ўсимликларни маҳаллий бозорда сотиш йўлга қўйилмаган ва улар етиштираётган доривор ўсимликлар давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилиш ташкил этилмаган.

Маҳаллий ТВларда доривор ўсимликлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тиббий аҳамияти ҳамда уларни қўллашга оид махсус кўрсатувлар ва роликлар мунтазам ёритиб борилмаяпти.

Умуман, Навоий вилоятида ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар натижаси умумлаштирилиб, партия вилоят Кенгаши ҳамда депутатлари томонидан вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Қишлоқ хўжалиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Навоий “Дори-дармон” АЖга хат ва депутатлик сўровлари юборилди. Ушбу соҳадаги юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратилган барча ташаббуслар партиямиз фаоллари ҳамда депутатларимиз назоратига олинди.

Танлов

Ҳуқуқий давлатнинг қонуний пойдевори

Партия ташаббуси билан юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг эътирофига сабаб бўлиб келаётган “Конституция билимдони” кўрик-танлови воҳамиз бўйлаб ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб келаётгани қувонарлидир.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят Кенгаши матбуот котиби

Урганч шаҳар 2-сон касб-ҳунар мактабида бўлиб ўтган танловнинг Урганч шаҳар босқичи ҳар қачонгидан ҳам самарали ташкил этилди.

Танловга шаҳардаги техникум ва касб-ҳунар мактабларидан иштирокчилар, устозлар, ҳамкор ташкилотлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда партия фаоллари, депутатлар иштирок этишди.

Иштирокчилар кўрик-танлов Низомига асосан учта, яъни “Таништирув”, “Савол-жавоб” ҳамда “Эркин мавзу” шартлари бўйича беллашдилар.

Танлов шартларини тегишли соҳа вакилларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати аъзолари холисона баҳолаб боришди.

Танлов шартларини аъло даражада бажариб, барчанинг эътиборини тортган Урганч шаҳар 2-сон касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Муштарий Қуранбоева ғолиб деб топилди ва кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

2-ўринни вилоят IT парк ўқувчиси Шахина Менглиева, 3-ўринни “Ибн Сино” техникуми ўқувчиси Моҳичеҳра Ибодуллаева қўлга киритишди. Қолган қатнашчилар танловда фаол иштироки учун турли номинацияларга эга бўлишди.

– Кўрик-танлов ўз устимда янада кучлироқ ишлашимга, “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури билан яқиндан танишишимга, Конституциямиз ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги билимларимни мустаҳкамлашимга имконият яратди, – дейди танлов ғолиби Муштарий Қуранбоева. **– Танлов жараёнида дўстлар орттирдим. Ўз билимимга бўлган ишончим янада ошди. Изланишимни янада давом эттириб, танловнинг вилоят босқичида ҳам нуфузли ўринни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.**

Бир сўз билан айтганда, партия томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбир ва кўрик-танловлар Янги Ўзбекистонимизни билимли ва ватанпарвар ёшлар билан бирга қуришга хизмат қилиши шубҳасиз.

“Адолат” социал-демократик партияси Қарши шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31 йиллиги муносабати билан “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичи ўтказилди.

Зумрад БОЗОРОВА,
Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицейи ўқитувчиси

Иштирокчилар таништирув, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси соҳадаги билимлари, савол-жавоблар ва эркин мавзу шартларида белгиланган қатъий регламент тартибида беллашдилар. Танлов шартларини ҳуқуқшунослардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати аъзолари холисона баҳолаб боришди.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра 1-ўринни Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицейи ўқувчиси Улуғбека Шаймардонова, 2-ўринни Зуфар Аваз0в, 3-ўринни Севинч Аҳмедовалар эгаллади. Танлов шартларини аъло даражада бажариб, барчанинг эътиборини тортган Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё академик лицейи ўқувчиси Улуғбека Шаймардонова кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Танловнинг қолган иштирокчилари фаол иштироки учун турли номинацияларга эга бўлишди.

Тадбир якунида иштирокчилар партиянинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

“Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шунингдек, жамият бошқарувида мазкур институтлар иштирокини кенгайтириш” мавзусида давлат гранти 6-қўшимча танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Жамоатчилик назорати соҳасида фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилишнинг, шунингдек уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб сайти ва t.me/group_jamoat_fondi телеграм каналида жойлаштирилган ва янги юкланган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Ташкилотнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 200 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2023 йил 3 ноябрдан 7 декабргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (78) 238-23-76, 238-23-77.

Бахтнинг турфа ранглари...

“Машҳурларнинг аёллари” рукнининг бугунги меҳмони, узоқ йиллар “Хоразм ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Урганч оқшоми” газеталари таҳририятларида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби, “Энг, улуг, энг азиз”, “Ватан учун яшайлик” республика танловлари ғолиби, “Мурувват чоғи”, “Мангулик сўқмоғи”, “Темурғози тўра”, “Рутба” романлари, “Мадраҳим Шерозий”, “Йиллар ва йўллар”, “Темирғози тўра”, “Кўна қалъа”, қиссалари, “Кечиккан баҳор, “Тонгги ҳислар”, “Ҳуқуқ”, “Нозбўйларим”, “Дил ва манзил”, “Ифтихор гуллари” шеърий китоблари, “Андиша боғи” эсселар тўплами, “Шафоат” ва “Шарофат” девонлари муаллифи* Сотим АВАЗ*нинг умр йўлдоши, ҳаётини ёшларга билим беришга ва фарзандлари тарбиясига бахшида этиш билан бирга эри ва эли ризолигига эришишни улкан бахт, деб билган камтарин, оқила аёл* Шарофат АВАЗОВА*дир.

– Шарофат опа, умрнинг болалик, ёшлик бекатларидан ўтиб, улуғлик манзилидасиз. Шу манзилда туриб олис болалигингизга боқиб, нималарни ҳис этасиз? Энг беғам, беташвиш дамлар… ота-онангиз, яқинларингиз бағридаги бетакрор лаҳзалар…

– Назаримда, умрнинг болалик ва ёшлик айёмлари ўзига хос икки фаслни ташкил этади. Улардан шунчаки ўтиб кетиб бўлмайди. Ҳар бир фасл эса ўзингизга маълум, инсонни чиниқтиради, юксалтиради, билимини оширади, ўзлигини камолга етказади. Бугунги қутлуғ манзилда туриб олис болаликни ўйлаб, авваламбор, улардан миннатдор бўламан. Уларнинг нақадар бетакрорлигини, улуғворлигини ҳис этаман. Қолаверса, шу болалик, ёшлик даврларининг ҳам ўзига хос ташвишли дамлари ҳам бўлган, дейишим мумкин. Ниҳол қуёшга қараб тик бўй чўзади. Унинг қийшайиб ўсишидан Худо сақласин.

Ёшликдаги дамлар хаёли биздан изн-ихтиёр сўрамасдан, хотираларимизни шамчироқдай ёритиб туришдан тўхтамайди. Ота-оналаримиз, яқинларимиз бағридаги лаҳзалар ҳақиқатан ҳам бетакрор бўлган. Бугун уларни беҳуда ўтказмаганимизга суюнаман. Ахир мактабда яхши баҳоларга ўқишга, ота-онанинг розилигига эришишга, одобли ва андишали бўлишга интилганмиз. Бу эса зиммамизга ўзига хос масъулият юклаган. Ота-онам ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари эдилар. Мактабда олган сабоқларим уйда таълим ва тарбия билан уйғунлашарди. Китоб ўқиш севимли машғулотим эди.

Орзуларим бир дунё эди. Энг асосийси эса ота-онам касбини эгаллаш ва бугун айта оламанки, садоқатли дўст, умр йўлдошингнинг яхши инсон бўлиши экан. Яратганга шукрки, иккала ниятимга ҳам эришдим...

Умр йўлдошимнинг ғазалидаги ушбу мисрани кўп такрорлайман:

Шодлана билмоққа ҳам, аввало, бир ғам керак.

Шу сатр менга болаликни қайта идрок этишга, ҳаётдаги барча қийинчиликларни енгиб яшашга куч бағишлайди.

– Умр йўлдошингиз билан илк учрашувни қандай эслайсиз?

– Турмуш ўртоғим билан биринчи учрашувимдаёқ бир-биримизни танигандай бўлдик. Нигоҳларимиз бир-бирига сингиб кетгандай эди, гўё. Мен бу ҳолатни ўша лаҳзада тушунмадим: ёқтириб қолиш истаги, деб ўйладим. Лекин бора-бора бу бизда қандайдир умумийлик, руҳий яқинлик уйғунлиги борлиги туфайли эканини англадим. Эҳтимол, буни илк муҳаббатнинг туғилиши ёки бир кўришда муҳаббат, деб атаса ҳам бўлар... Шоирона ташбеҳларимга ажабланманг, аввало, адабиётчилар фарзандиман ва шундай оилада камол топиб, шеърият, адабиёт шайдоси эдим. Қолаверса, турмуш ўртоғимдан ҳам кўп нарса юққан. Ахир ярим аср бирга умргузаронлик қилган умр йўлдошинг билан сўзинг ҳам, фикринг ҳам тенглашиб, туташиб кетади.

Умр йўлларимизда, тақдирмизда ҳам ўхшашлик бор: иккаламиз ҳам ота-онамизнинг ёлғиз фарзандларимиз. Ота-онанинг ёлғиз фарзанди бўлиш ёмон демайман: аммо улар томонидан қўйиладиган талаблар, шартлар, одоб-ахлоқ қоидалари туфайли гоҳида ўзингни олтин қафас ичидаги қуш каби ҳис қиласан. Албатта, бу ҳолат ҳамма ёлғиз фарзандларга дахлдор, демоқчи эмасман. Аммо турмушимиз жараёнида умр йўлдошим иккимиз шундай ҳис билан яшадик, десам муболаға бўлмайди. Бу ота-оналаримизнинг ёлғиз фарзандини фақат ўзларининг меҳр-муҳаббати билан бағрида яшашини хоҳлаши, барчадан қизғаниши туфайлимикан, билмадим... Уларнинг ана шундай буюк меҳри сабабли руҳий эркинликка интилдик, бир-бировни ҳеч қандай талаб ва шартларсиз қабул қилиш истакларимиз бора-бора умумлашиб кетди.

Институтга киришимизда ҳам бир хиллик мавжуд эди: ҳар иккаламиз ҳам бир йил “резерв” сифатида ҳисобда турганмиз. Ўша пайтларда ҳам ёшларга нисбатан адолатсизлик бор эди. Имтиҳонларни яхши топширганлар эмас, киришлари олдиндан белгилаб қўйилганлар биринчи навбатда ўқишга қабул қилинарди. Хуллас, иккимиз ҳам бир йил ўқигач, янгидан имтиҳон топшириб, институтга қабул қилинганмиз.

Биринчи учрашувдаёқ, у кишининг андишали, тўғрисўз ва камсуқумлигини ҳис этдим, кейинчалик илк ҳиссиётим алдамаганини англадим.

– Умр йўлларингиз туташганида у кишининг ўзи, оиласи ҳақида нималарни билардингиз?

– Тўғрисини айтсам, ҳеч нарсани билмасдим. Чунки, бу мени деярли қизиқтирмас эди. Ота-онаси қаттиққўл одамлар, қийналиб қоласан, айниқса, қайнонанг сени қийнаб қўяди, десалар қулоғимга кирмаган. Чунки турмуш ўртоғимнинг шеърлари, бошқа ҳеч ким унинг каби топиб айта олмайдиган ташбеҳлари мени ўзига мафтун қилган эди.

Қайнотам фариштадай одам эдилар. Улар менга келин деб эмас, қизим, деб мурожаат қилардилар. Хоразмда янги келин бир-икки фарзандли бўлмагунича, агар қайнона-қайнотаси рухсат бермаса умрбод улар олдида гапирмайди, фикрини имо-ишора билан ёки қайнисинглиси, турмуш ўртоғи орқали етказади. Мен ҳам удумимизга кўра, гаплашмай юрганимда, қайнотам раҳматли

майин табассум билан: “Қизим, мен билан отанг каби гаплашавер, мен уруш кўрган одамман, одамнинг қадрини биламан”, деганлар.

Бир куни нимаям бўлдию, қайнонам жаҳл билан: “Бўлди, тамом, ўғлимизни бошқа қизга уйлантирамиз!” деганларида, қайнотам кескин оҳангда: “Билиб қўй, сенга шундан бошқа келин йўқ!” деб, қайнонамнинг инжиқликларига чек қўйганлар. Минг афсуски, қайнотам бу дунёни эрта тарк этдилар. Шундан кейин ҳаётимда муаммоларим орта бошлади. Агар турмуш ўртоғим мустаҳкам қалқон бўлиб олдимда турмаганларида бугун бахтиёр она ва бувижон бўлиб ўтирмасмидим?..

Умрининг сўнгги йилларида қайнонам кўп нарсани тушундилар. Ўзимга индамадилар, аммо қўшниларга:”Агар болам билан яхши бўламан десангиз, келинингизни хафа қилманг”, деган эканлар.

– Бугун ўша пайтларда бирга-ликда келажагинингиз борасида қилган орзуларингиз рўёби нечоғлик?

– Умр йўлдошим ҳамиша дўстлик ҳамда оила ишонч ва кечирим туфайли мустаҳкамланади, деб таъкидлайдилар. Албатта, муҳаббат олови ҳамма вақт ёшликдагидай порлаб турмаслигини тушунса бўлади. Лекин ёш ўтган сайин севги муҳаббатга, муҳаббат эса меҳрга ақл ришталари билан маҳкам боғланиб кетиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда бу оловнинг гуриллаши тўхтаса ҳам, тафти камаймайди. Айнан шундай яшашни ният қилгандик ва шукрки, ниятимизга етдик. Қизларимизнинг ҳам зеҳнли, зиёли, меҳр-вафоли бўлиб, борган жойини яшнатишини, оиласини мустаҳкам ришталар билан боғлашини, шу туфайли униб-ўсишини, бахтли бўлишини Аллоҳдан сўрардик. Бу орзуйимизга ҳам эришдик.

Ҳамиша турмуш ўртоғимнинг ижод йўли бардавом бўлишини истар, доим дуода бўлар, шароит яратиб беришга интилардим. У кишининг бу борадаги фидокорлиги мени қувонтиради. Отасига иш вақтида халақит бермаслик қизларимиз учун ҳам олтин қоида эди.

Минг шукрким, аксарият орзуларга эришдик. Беш қизимнинг ҳаммаси ўз бахтини топди. Ҳар бирида, икки-учтадан фарзанд бор. Ижодкорнинг китоблари сони ҳам йигирмадан ортди.

– Ҳаётингизда иқтисодий қийинчилик бўлмагандир-у, лекин эркатой ўғилнинг кўнглига йўл топиш осон кечмагандир?

– Иқтисодий қийинчилик бўлмаган, деб айта олмайман. Қайнотам ва қайнонам оддий меҳнаткаш одамлар бўлиб, топиш-тутишлари камтарона эди. Қийинчиликларни сабр-қаноат билан енгар, ҳаммамиз асдойдил меҳнат қилардик.

Турмуш ўртоғимни эркатой, деган фикрингизга эса қўшилмайман. Чунки у ёлғиз ўғил бўлгани билан ўз масъулиятини дилдан ҳис қиларди. У ҳамиша, деярли ҳар куни уйимизга китоб кўтариб келар, уларни мутолаа қилар эдилар. Қолаверса, эркатой бўлганларида тинимсиз ижод қилмаган, ўзбек журналистикасида ва ўзбек адабиётида ўз йўлини топмаган, катта тарихий асарлар, достонлар ёза олмаган бўлардилар. Буларнинг ортида фақат машаққатли меҳнат ётади. Бунинг устига у кишининг кўнглига йўл топиш қийин эмас. Чунки одамлар билан тез чиқишиб, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашишни яхши кўрадилар. Бу ҳар бир адибга хос фазилат бўлса керак. Турмуш ўртоғим бир оғиз сўз ёки қараштан дилимдаги гапни уқа оладилар. Ярим аср давомида мен ҳам унинг кўнглидаги гапни кўзларидан англаб, ижод жараёнига халақит бермасликка ҳаракат қиламан. Тўғри, гоҳида бироз қайсарлик ва тез жаҳл қилиш одатлари ҳам бор. Аммо бироздан сўнг, пушаймон бўлиб, яхши гаплар гапира бошласалар, биламизки, жаҳлдан тушибдилар.

– Устоз ниҳоятда маданиятли, ҳаракатчан, изланувчан инсон. Бу таърифларга яна нималарни қўша оласиз?

– Мен яна камтарлик ва камсуқумлигини, ёлғонни ёмон кўришини айтган бўлар эдим. У ҳеч қачон ўзини кўз-кўзлашга интилмаган. Лекин баъзида китобларимизни, ўзимизни кўпроқ тарғиб қилсак бўлар экан, деб ҳазил аралаш айтиб қўядилар. Бироқ шу ишни эплай олмайдилар.

Гоҳо ўзи кутган баҳони ололмасалар, демак бу Худо менга бермаган нарса

экан, деб қўядилар. Бир ғазалларида шундай ёзганлар:

Худонинг бергани бизга етарли,
Бошимиз узра тож этиб ўтарли.

У киши оилада меҳрибон ва ғамхўр. Бу, айниқса, қизларимизни ўқитишда, ишга жойлаштиришда, турмушга узатишда, бор-йўғидан хабардор бўлиб туришларида яққол кўринади.

Ҳаёт мени баъзан сийлади, баъзида синади: касаллик туфайли бир неча марта жарроҳлик амалиётини бошдан кечирганман. Ана шундай пайтларда, у киши ҳамма нарсани унутиб, бутун диққат-эътиборини мени даволатишга қаратади.

Кейинги йилларда ҳар йили бир-икки марта дам олиш ва шифо масканларида бўламиз. Мен фақат йўлга чиқиш олдидангина дам олишга кетаётганимизни билиб қоламан.

– Бири-биридан ақлли, оқила қизларингиз бор. Улар туғилганида бирон марта отаси ранжиб, ўғил кутганини ошкор қилмаганми? Бугун қизларига муносабатлари қандай?

– Албатта, ёшлигида ўғил кўриш истаклари бор эди. Лекин вақт ўтган сари қизларимиз, айтганингиздек, оқила ва меҳрибон бўла борганлари сайин бу истак сўна бошлаган. Баъзида ярим ҳазил, ярим чин қилиб, яна беш қиз туғсанг бўлар экан, деб қўядилар. Бир кун эса: “Ўзим бир эдим – беш бўлдим. Шу беш ҳали яна қанча бўлади... Шунда ҳам нолисам Худо хуш кўрмайди”, дедилар. Мен эса у кишига уч қиз ўстириб турмушга узатган киши жаннатий бўлар экан, деган ҳикматни эслатдим. Шунда у киши биз жаннатийроқ эканмиз, деб қўйдилар.

– Ижодкор билан умргузаронлик қилиш осон эмас. Чунки улар гоҳ денгиздай мавжланади, гоҳ сокинлик қўйнига сингишади. Гоҳида рўзғор ташвишларидан ҳам ижод масъулиятини устун қўйишади. Шундай пайтларда барча оғирлик сизнинг зиммангизга тушадими?

– Турмуш ўртоғим ҳар қандай шароитда ҳам оғирликни менга ташлаб қўйишни истамайди. Бозор-ўчарни у кишининг ўзи қилади. Мен фақат керакли нарсалар рўйхатини ёзиб бераман. Гоҳида: “Юр, бугун бозорликни бирга қилайлик” десалар, изларига тушаман, биламанки, демак, харид қиладиган маҳсулотларимиз кўп.

Тўй-тантаналар ташвишини ҳам у киши ўз зиммасига олган. 2016 йилда мени муқаддас Умра зиёратига юборганлар. Қайтиб келганимда хайрия оши учун барча нарса муҳайё қилинган экан. Бундай саховат ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

– Умр йўлдошингизнинг ижоди сизни нечоғлик қизиқтиради?

– Ҳар томонлама ва ҳаммадан кўп қизиқтиради. Барча китобларини биринчи бўлиб мен ўқиб чиққанман, дейишим мумкин.

Одатда, у киши ёзган асарларини чоп этилишидан олдин фикрларини билиш учун дўстларига, мунаққидлар, адабиётшуносларга тақдим қиладилар.

Уйимизда шоир Матназар Абдулҳаким, адиб Неъматжон Солаевлар билан янги асарлар юзасидан фикрлашиб ўтирганларининг кўп бора гувоҳи бўлганман. Оташнафас шоира Уллибиби Отаева (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) бу кишининг маслаҳатгўйи эдилар. Улардан миннатдорликларини ҳанузгача айтадилар, хотирасини ҳурмат билан тилга оладилар.

– Ёзувчининг қайси асари қаҳрамони тимсолида ўзингизни кўрасиз? Қайси асарларини севиб мутолаа қиласиз?

– Ҳамма асарлари қаҳрамонларида менинг қайсидир хислатим бор бўлса ажабмас. Уларнинг барчаси қалбимга яқин. Айниқса, “Ифтихор гуллари” манзумалар китобида муҳаббатимиз ва бир-биримизга садоқатимиз ҳақида кўп воқеалар баён этилган. Бундан ташқари менга атаб, “Шарофат” номли девон тузган. Улардаги ғазаллар оҳангларида кўнглим садоларини сезгандай бўламан. Умуман олганда, барча асарларини севиб ўқийман. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак. Акс ҳолда, бирга яшашдан қандай маъно бор!

– Умр йўлдошингиз нималарга эътиборли бўлишини истайсиз?

– Тўғрисини айтганда, бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. Яна нималарга эътиборли бўлишлари кераклигини мендан кўра ўзлари яхши биладилар, деб ўйлайман.

– Устознинг бошқалардан ажралиб турадиган томонлари ҳақида нималар дея оласиз? Қайси хислатларини ҳурмат қиласиз ва қайси томонларини ўзгартиришларини хоҳлайсиз?

– У киши бошқалар кўра олмаган эзгулик ва муҳаббат қирраларини, ҳаёт фалсафасининг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳатларини кўра оладилар, деб ўйлайман. Ранг-баранг мавзуда ёзган китоблари шундан далолат эмасми?

Мен турмуш ўртоғимни борлиғича ҳурмат қиламан ва ўзини кимнингдир истаги билан ўзгартиришини истамайман.

– Тўғри, ижодкор эмассиз, аммо шоирнинг рафиқаси унга қандай ёрдам бериши мумкин, деб ўйлайсиз?

– Ижодкор бўлмасам ҳам ижодни тушунаман. Гоҳо ижод қилиш истаги пайдо бўлганида турмуш ўртоғимнинг ижоди мен учун ҳам етарли, деб биламан. Шоирнинг рафиқаси нафақат ёрдамчи, балки маслакдош ҳам бўлиши керак. Маслакдошлик эса бир-бировга муштаракликдир.

– Хиёнат… Умр йўлларингизда унинг жабрини тотган паллаларингиз бўлганми?

– Мактабда ишлаб юрган пайтларимда бир ҳамкасбим, эрингизни фалон кафеда ёш жувон билан ўтирганини кўрдим, эҳтиёт бўлинг, деб шипшиб қўйди. Бундай гап кўпчилик аёлнинг юрагига ўқдай санчилиши мумкин. Менинг эса у ўқ юрагим яқинидан ўтиб кетди. Чунки турмуш ўртоғимга ишонаман, у кишини тушунаман. Ўзимни тутиб олиб, жилмайишга куч топиб, ҳамкасбимга шундай деганман: “Сиз ташвиш чекманг, у кишига менинг ўзим рухсат бериб қўйибман.” Кейин билсам, Тошкентдан вилоят ҳаётини ёритишга келган журналист аёлни меҳмон қилган эканлар. Бу гапни кечқурун ўзлари айтдилар.

– Турмуш ўртоғингиз ижодкор бўлмаганида қайси касб эгаси бўлар эди?

– Ижодкор бўлмаганларида, дипломат ёки руҳшунос, шифокор, қолаверса, спорт мураббийси бўлишлари мумкин эди, деб ўйлайман. Бундай дейишимнинг сабаби, авваламбор, бировнинг кўнглини оғритмасликка, камчилик ва хатоларини тез тўғрилашга интилишлари, муросаи мадора ҳамда чиройли муомаласи туфайли кўп нарсани ҳал қилишлари мумкинлигидир.

Спорт мураббийси бўларди, дейишимга ҳам асос бор. Чунки у киши 1971 йилда спортнинг шашка тури бўйича вилоят чемпиони бўлганлар. Кейин республика биринчилигида фахрли ўринни эгаллаб, спорт усталигига номзодлик нормативини ҳам бажарганлар. Бугун ҳам шашка ва шахматни яхши ўйнайдилар. Айниқса, неваралар келишганида, хонадонимиз мусобақа майдонига айланиб кетади.

– Эл назарига тушиш осонмас. Бу мавқега эришишларига қандай фидоийликлари ёки қайси асарлари сабаб бўлган, деб ўйлайсиз?

– Эл назари – юксак мақом, бу назарга тушиш осонмас. Қолаверса, унга муносибликни доим мустаҳкамлаб бориш керак. Шу мавқега эришишларига етарлича асослар бор. Тун бўйи ижодий иш билан шуғулланиш, кўпчиликнинг дарду ташвишини ҳис этиш ва кўмаклашишга интилиш, ана шу асослардан бўлса, не ажаб. Бир ишни бошласалар охирга етказмасдан қўймайдилар. Гоҳо ижод соҳасида ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган янгиликлар қиладилар.

Китобларига келсак, “Рутба” романини алоҳида тилга олган бўлардим. Чунки бу асарда Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг илму зиёси, ул зотнинг муридлари ҳақида сўз юритилади. Гоҳида вазият тақозосига кўра, илоҳиётга, руҳониятга мурожаат қилинади. Шунингдек, “Мурувват чоғи”, “Мангулик сўқмоғи”, “Темурғози тўра” романлари ҳам кўп жиҳатдан тарихни чуқурроқ билишга, улуғларимизнинг руҳият оламини англашга хизмат қилади. Мазкур йилда эса адибимизнинг Хоразм вилоятининг биринчи ҳокими Маркс Жуманиёзов ҳақидаги “Хотира қиёфаси” асари ҳам китобхонларга тақдим этилди. Уларни такрор-такрор ўқисам ҳам зерикмайман, аксинча, ҳар гал янги томонларини чуқурроқ англайман ва қизиқишим ортиб бораверади.

Энг муҳими, турмуш ўртоғим буюртма мадҳия-бағишлов китобларини ёзишдан ўзини тияди.

– Ортда қолган умр йўлларингизга қараб, хаёлингиздан нималар кечади?

– “Бу дунёда армонсиз одам бечоралар ичида бечора”, деб ёзади рус шоири Сергей Есенин. Демак, афсус, армон ҳам инсонга хос, шунингдек, керакли туйғу. У инсонни тарбиялайди. Хатоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзимга келсак, армонларим кўп ва оғриқли, демайман. Масалан, бир армоним, соғлигим ҳақида вақтида етарли қайғурмаганим бўлиши мумкин. Буни ҳам турмуш ўртоғимнинг эслатиб туришларидан биламан.

Ўғлим йўқ, деб армон қилмаганман. Бунинг ўрнига ҳар бир қизим ўн ўғилга тенг, дейман. Невараларимнинг кўпчилиги ўғил болалар. Умрлари зиёда бўлсин.

– Сиз учун бахт нимада?

– “Эркак – бош, аёл – бўйин” деган халқона нақл бор. Менимча тўғри айтилган. Шу жиҳатдан қараганда, ўз эрини тўғри йўлга йўналтира олган аёл бахтлидир. Меҳру муҳаббат, эзгулик, яхшилик, садоқат ва вафо эса умумий бахт йўли, деса бўлади.

Ўрта умум таълим мактабида ўттиз йил ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бердим. Бугун шогирдларим устоз, деб йўқлаб келишганида жуда қувонаман. Демак, аёлнинг бахти касбу корида ҳам экан.

Фарзандларнинг меҳр ва оқибати аёлнинг бахтини бус-бутун ва гўзал қилади. Бу жиҳатдан ҳам ўзимни омадли ҳисоблайман. Умр йўлдошимнинг меҳри туфайли шу бугунгидай бағри бутун ҳолда, ўзимни бахтиёр санайман. Барча мушкулларим осон бўлади. У киши билан дунёнинг бир қатор мамлакатларини кўрдим ва аёлнинг бахти, авваламбор, қайси юртда туғилгани, кимга турмушга чиққани билан ҳам боғлиқ эканини теранроқ англадим. Мен учун Ўзбекистондай жаннатмонанд диёрда, меҳрибон яқинларим қуршовида яшаётганимнинг ўзи катта бахтдир. Англай олган инсонга бахтнинг ранглари турфа. Элинг, юртинг ва умр йўлдошингнинг ризолигига эришиш эса энг улкан бахтдир.

“Adolat” мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди

ЙЎЛ ҲАНГОМАЛАРИ

Акс-садо

“Adolat” газетасининг ўтган сонида “Адолат” СДП Матбуот хизмати бош мутахассиси Гулбаҳор Қобулованинг **“Тадбиркор” + радар = жарима, жарима, ЖАРИМА...”** сарлавҳали мақоласини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу мавзуда ўзим ҳам айрим қайдларимни ёндафтаримга ёзиб юргандим. Долзарб мавзудаги мақоладан таъсирланганим боис, уларни жамлаб, сиз, азиз ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этишга жазм қилдим.

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

ҲАҚЛИ ЖАРИМА

Фарғона вилоятининг туманларидан бирига кетаётган эдим. Йўл-йўлакай ҳайдовчи тажанг бўлиб, арзи ҳол қила бошлади:

– Ака, манави бешта конверт ичида менинг номимга ёзилган жарималар бор. Бу қандай замон бўлди, тушунолмайман?

– Нима сабабдан шунча жарима? Қайси гуноҳингиз учун булар?

– Киракашман. Мана шу «Дамас»им билан йўловчиларни у томондан бу томонга, бу томондан у томонга етказиб қўяман. Топган пулимни оиламни боқишга сарфлайман. Ҳақиқат қаерда ўзи, саволимга жавоб берадиган йўқ.

– Нима, айбингиз бўлмаса ҳам сизга жарима ёзишганми?

– Ҳамма жойга камера қўйиб ташлашган. Айбим – хавфсизлик камарини тақмаганим, икки марта тезликни оширганим, бир марта қизил чироқда ўтганим учун.

– Айбингиз бор экан-ку! Ўз ризқингизни қияётган ўзингиз экансиз-да... Қоидани бузганингиздан кейин жарима тўлайсиз-да!

– Сиз ҳам мени тушунмадингиз, – деди «Дамас»чи жиғибийрон бўлиб. – Ахир, бир ойлик даромадим бекордан бекорга сувга оқиб кетяпти. Тирикчилик нима бўлади энди?

– Агар қоидага риоя қилганингизда бундай аҳволга тушмаган бўлардингиз, тўғрими?

– Тўғрику-я...

– Сизга ўхшаган йўл қоидасига амал қилмайдиганлар бир кунда қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўляпти. Болалар отасиз ёки онасиз қоляпти. Уларга ким қарайди? Ота-оналар фарзандидан айрилиб қоляпти, уларнинг ўрнини тўлдириш мумкинми?! Ҳатто йўл-транспорт ҳодисаси туфайли уруш пайтидагидан ҳам кўпроқ одамлар ҳалок бўляпти экан. Бунга нима дейсиз? Жаримани тўлаш мумкин, лекин одам ўлса, уни тўлаб бўладими?

– Тушундим, ака, айтганингиздай аслида айб ўзимдан ўтган экан...

ТЎСИҚ МУАММОСИ

Бугунги кунда қишлоқ йўллари ҳам асфальтланиб, текис ва равон бўлмоқда. Оёғингизга тош ботмайди. Туфлингиз чанг ёки лой бўлмайди.

Лекин ҳеч кимдан сўрамай-нетмай, шундай равон йўлнинг ўртасига дўппайтириб бетон қоришмасидан ёки асфальтдан тўсиқ қўйилганини кўриб, кайфиятингиз бузилади. Ахир бу йўл ҳамманики-ку! Ота-боболаримиз: «Йўлда тош кўрсанг, четга олиб қўй, йўловчиларга озор етмасин», дейишган. Бугунги кунга келиб, равон йўлга «ёстиқча» тўсиқ қўйилаётганининг сабабини сўрасангиз, «машиналар тезлигини пасайтириш учун», деган жавобни эшитасиз. Автоулов бошқараётганлар ўзга сайёраликлар эмас, ўзимизникилар-ку? Наҳотки улар «тезликни ошириб, бир фалокат келиб чиқишига сабаб бўлмайин», деган ўйга боришмаса?

– Қишлоқ йўллари тор бўлишига қарамай, замона зайли билан асфальт бўлди. Лекин қоидага зид равишда, айрим кишилар томонидан ўзбошимчалик билан асфальт йўлга кўндаланг тўсиқлар қўйилаётганлиги машиналарнинг эркин ҳаракатланишига халақит бермоқда, – дейди қишлоқ отахонларидан бири. – Ҳайдовчилар машинасини авайлаб, тўсиқни айланиб ўтадиган бўлиб қолишди. Натижада ҳаракат тартиби бузилмоқда. Бундай ҳолларни кўрабила туриб, на йўлсозлар, на йўлпатруль хизмати ходимлари бирор чора кўрмайди. Йўл қоидасини бузганга жарима бор-у, йўлга тўсиқ қўйганга, пиёдалар ва автоуловларнинг эркин ҳаракат қилишига халақит бераётганларга йўқми?..

ШАЛЛАҚИ ЙЎЛОВЧИ

Машинамиз катта йўлга чиқаётган пайтда кўчанинг қатнов қисмида телефонда гаплашиб кетаётган аёлга дуч келдик. Ҳайдовчи сабрли экан, шошилмасдан, сигнал бермасдан эътиборсиз аёлнинг ортидан оҳиста юриб бораверди. Ниҳоят аёл ўзини бироз четроққа олди. Унинг ёнидан ўтаётиб ҳайдовчи аёлга истеҳзоли жилмайди. Шунда аёл ҳайдовчига ўқрайиб тикилди-да:

– Нега тиржаясан, йўлингни топиб юр!.. – дея оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади.

Фариштасиз аёлнинг қилиғи машинада ўтирган йўловчиларнинг ҳеч бирига ёқмади.

– Бундайлардан ҳушёр бўлиш керак, – деди хўрсиниб ҳайдовчи. – Бир гал Есин қишлоғидан келаётиб, бундан баттарига учраганман. Светофор яшил ёнганда ҳаракатланишни бошладим. Бироқ, ўнг йўлакда сал бежо бўлиб турган одамни кўздан қочирмадим. Беш метрлар чамаси нарироққа борганимда, ортимдан қичқириқ овози эшитилди. Ойна орқали қарасам, ўша одам оқсоқланиб югурганча менга «тўхта» дегандай қўллари билан ишора қила бошлади. Машинамни тўхтатдим. У югуриб келиб, машинамнинг эшигини очиб, олдинги ўриндиққа ўтириб олди.

– Тинчликми, нима бўлди? Мазангиз қочдими? – дедим унга.

– Қаёққа қочиб кетяпсан? – деди у менга дабдурустдан.

– Кимдан қочаман? – дедим ҳайратланиб.

– Оёқни майиб қилдинг-ку... – деди у чап оёқ шимини юқори кўтариб.

Қарасам, ҳақиқатдан ҳам оёғи шилиниб, қони чиқиб турибди.

– Қаерда бундай бўлди?

Унга шу саволни бердим-у, балога қолдим. У бор овози билан оёғига машинанинг орқа шинаси тегиб, шилиб ташлаганини айтиб, мелисахонага ҳайдашимни талаб қилди.

Мен уни йўлдан анча нарида кўрганимни, оёғига машинамнинг шинаси тегиши мумкин эмаслигини исботлаб бера олмадим. Роса тортишдик. Лекин у енгди мени. Охири айтган жойига боришга рози бўлиб:

– Қаерда ўша мелисахона, кўрсатинг, – дедим.

– Ука, мелисага бошлаб борсам, каттага тушасан. Ундан кўра эллик минг беру, кетавер. Дўхтирга бориб, дори-дармон қилдираман. Даъвойим йўқ, – деди у.

Шошиб чўнтагимни кавласам, қирқ минг сўм чиқди. «Мана шунга рози бўлинг», дегандай зорланиб, қўлига пулни тутқаздим. У юзини буриштириб, бир менга, бир пулга қараб, бўпти, дегандай шартта қўлимдаги пулни юлиб олиб, машинадан тушди-да:

– Кетавер! – деди.

Мен балодан қутилганимга шукур, дегандай енгил нафас олиб, йўлга равона бўлдим. Бир километрлар чамаси юриб, оғзим қуриб кетганидан бир пиёла чой ичиб олиш ниятида ошхона олдида тўхтадим. Чой баҳона сўрида ўтирган нотаниш киши билан суҳбатлашиб қолдим. Гап орасида унга ҳозиргина бўлган можароли воқеани сўзлаб бердим. У хохолаб кулиб юборди-ю:

– Сизни ҳам чув туширибди-да, ўша касофат! – деди.

– Бу нима деганингиз? – деб сўрадим.

– Шу йўлда маккорлик билан тирикчилик қиладиган битта ноинсоф бор. Пайт пойлаб, ҳунарини ишга солади. Охири пул бериб қутиласиз ундан.

Бу гапни эшитиб, сочим тикка бўлиб кетди. Аммо на илож...

– Ўша фирибгарни тутиб, мелисага олиб бориб, адабини бермабсиз-да, – дедим ҳайдовчига.

– Ортга қайтиб, ўша ярамас билан қайтадан баҳслашиб, ҳақлигимни исботлагим келмади. Аслидаям фойдаси йўқ. Шаллақидан устун бўламан, мелисага айтиб, ҳақимни ундираман, деган одам сарсон бўлади. Асабинг бузилгани-ю, вақтинг кетгани қолади, холос...

Шунақа гаплар, азизлар. Бу қайдлардан хулосалар чиқариш эса ўзингизга ҳавола.

ДИҚҚАТ АКЦИЯ
ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI ТАШАББУСИ БИЛАН
ДОНОРЛИК – ҚАҲРАМОНЛИК
2023 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ КУНИ
РЕСПУБЛИКА ҚОН ҚУЙИШ МАРКАЗИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА
“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”
БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИГА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЧОРЛАБ ҚОЛАМИЗ !

ВАҚТ: 9:00 дан 16:00 гача
МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 138-уй
ТЕЛЕФОН: +998 99-520-13-85 +998 99-421-93-18
БАТАФСИЛ: www.adolat.uz

Ҳикмат

Ҳаётимдаги бурилиш нуқта – онам телевизорни ўчириб қўйиб, мени китоб ўқишга мажбур қилган кундир.

Бен КАРСОН,
америкалик машҳур нейрохирург, ёзувчи

Агар ёқтирмаслик, нафрат деган нарсаларни электр манбаига айлантириш мумкин бўлганида эди, бу билан бутун дунёни ёритса бўларди.

Никола ТЕСЛА

“ADOLAT” шарҳи

Тирбандликларга БАРҲАМ БЕРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Машина бошқараётганингизда нима кўпроқ асабингизни бузади? Америкалик руҳшунослар автомашинада юрадиган талабалар орасида ана шу саволни бериб, сўров ўтказишди. Сўровда иштирок этганларнинг қарийб чорак қисми ҳар куни йўлда бошқа ҳайдовчилардан жаҳли чиқишини билдирган.

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Ҳайдовчиларнинг бир қисми эса тирбандлик ҳамда машинани қўйишга жой қидиришдан нолиган. Шаҳарда автомобиль ҳайдаш нафақат стрессга сабабчи бўлади, балки фаол ҳаёт кечиришга ҳам халақит беради. Биринчи навбатда, машина одамнинг жисмоний ҳаракатини камайтиради. Жумладан, куни бўйи рулда ўтириш оқибатида орттирилган ортиқча бир килограмм танадаги ёғ миқдорини 6 фоизга оширади.

Бугун автомобили борлар учун энг асосий муаммо йўллардаги тирбандлик бўлиб бораётгани ҳақиқат. Чунки бу ҳолат ҳар доим таъбингизни тирриқ қилади, хунобингизни оширади ва асабийлашиш учун ўзининг улушини қўшади. Бундай бошланган кун эса қандай давом этиши аниқ.

Пойтахтимизда сўнгги пайтда кузатилаётган тирбандлик ҳолатлари анчагина камайган бўлса-да, ушбу масала ҳали кун тартибидан тушганича йўқ. Айниқса, куннинг тиғиз пайтлари шаҳарнинг бир қатор кўчаларида автомашиналар турнақатор бўлиб туриб қолади. Бунинг оқибатида кўплаб инсонларнинг қимматли вақти кўчада ўтиб кетмоқда.

> Қайси транспортдан фойдаланманг, барибир, ишга бориш ва уйга қайтиш йўли кўп вақтни олса, одамни ҳолдан тойдиради. Япон олимлари йўлда кўп вақтини йўқотадиган идора ходимларининг юрак ритми вариабеллигини таҳлил қилдилар. Вариабеллик – бу симпатик ва парасимпатик асаб тизимини баҳолайдиган кўрсаткич. Агар у нормадан чиқиб кетса, демак, инсон асаб тизими ҳар кунги босимга чидай олмайди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва ҳолатни яхшилаш учун зарур чоралар кўриш керак. Масалан, бир транспортдан бошқасига ўтишга мўлжалланган қулай тарифларни кенг қўллаш лозим. Бунинг учун қисқа масофали автобус йўналишларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Пойтахтимизга шаҳар атрофи ҳудудларидан кунлик кириб келадиган ҳамда шаҳардан чиқувчи ва магистрал йўналишлар кесишган жойларда пиёдалар учун қулай хавфсиз муҳитни (инфратузилмани) яратиш ҳам масалани ҳал қилиш чораларидан биридир.

Аслида қайси транспортдан фойдаланманг, барибир, ишга бориш ва уйга қайтиш йўли кўп вақтни олса, одамни ҳолдан тойдиради. Япон олимлари йўлда кўп вақтини йўқотадиган идора ходимларининг юрак ритми вариабеллигини таҳлил қилдилар. Вариабеллик – бу симпатик ва парасимпатик асаб тизимини баҳолайдиган кўрсаткич. Агар у нормадан чиқиб кетса, демак инсон асаб тизими ҳар кунги босимга чидай олмайди.

Симпатик асаб тизими организмни бир мақсадга жалб қилиш, яъни масалан, “ур ёки қочиб қол”га муносабат билдиргандек, парасимпатик эса дам олиш ва куч йиғишга жавоб беради. Йўлда бир ярим соатини йўқотадиган японияслик ишчиларда, симпатик фаоллик кучайди ва парасимпатик асаб тизими фаоллиги пасайди. Бу шуни кўрсатмоқдаки, кўп вақтини йўлда ўтказадиган одамлар доимий босимда юрадилар ва тўлақонли ҳордиқ чиқара олмайди.

Узоқ йўл ортиқча стресс ва асаб тизимининг бузилишини келтириб чиқаради. Вақтини йўлда йўқотадиган одам учун табиийки, фойдали фаоллик учун вақт қисқаради. Одамнинг йўлда йўқотадиган ҳар бир ортиқча соати ўзининг соғлигига сарф этилиши лозим бўлган вақтни 6 фоизга камайтиради. Бунда, айниқса, инсон саломатлиги учун муҳим бўлган уйқу ва спорт билан шуғулланишга кетадиган вақт камаяди.

Мамлакатнинг бойлиги унинг фуқаролари соғлиги билан белгиланишини, биз Янги Ўзбекистонни соғлом, бақувват ва кенг тафаккурли ёшлар эвазига қуришимизни ҳисобга олсак, шаҳардаги тирбандликлар бу эзгу мақсадимизга халақит бериши мумкин. Демак, ушбу муаммони кечиктирмасдан ҳал этиш жуда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, бу масалага нафақат соҳага алоқадор ташкилотлар ва уларнинг мутасаддилари бош қотиришлари керак, балки ҳар бир фуқаро йўл ҳаракати маданияти ва қоидаларига қатъий амал қилиши, ўзгаларни ҳурмат қилиши ва қадрлаши талаб этилади. Фақат шундагина ҳар биримиз ушбу муаммонинг олдини олишга ҳисса қўшган бўламиз.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ
info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Саодат Раҳимова
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
Котибият – 71 288-42-14 (144); Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими – 90 900-72-15
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Адади – 6025
Босишга топширилиш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.